# ҚАЙТА ҚУРИШНИ ЖАДАЛЛАШТИРАЙЛИК

мулоҳазаси



Файзулла ҚУЛЛИЕВ,
Ангор районидаги «Ангор» совхозининг сабзавотчилик бригадаси бошлиғи

**Коммунистик партия ҳақида турли фикрлар айтилаётган шу кезларда КПСС сафига кирган кунимни тез-тез эслайдиган бўлиб қолдим. Кечагидек ёдимда. Уставни роса ўқиб ўргандим. Ҳатто баъзи жумлаларни ёдлаб олдим. Райкомда комиссия аъзоларидан бири шундай савол берди: «Коммунист қандай имтиёзларга эга!» Аввалига шошиб қолдим. Чунки уставда бу ҳақда ҳеч нарса дейилмаганди. Шунда ўз билганимни айтдим: «Коммунист ҳеч қандай имтиёзга эга эмас, фақат ишда, юриш-туришда бошқаларга ибрат кўрсатиши керак».**

**Афсуски, партияга бошқа мақсадни кўзлаб аъзо бўлганлар ҳам кўп экан. Баъзилар шахсий манфаатини ўйлади, юқорироқ мансабга интилди. Область партия конференциясида бултур қўшни райондан тўрт киши ўз ихтиёри билан партия билетини топширганлигини эшитиб ранжидим. Суриштирсам уларнинг ҳам ниятлари тўғри эмас экан. Назаримда шундайлар кейинги пайтларда КПСС обрўси озми-кўпми пасайишига сабаб бўлишди.**

**Ўттиз беш йилдан бери совхозда ишлаяпман. Дастлаб шофёрлик қилдим. Ўғлим Жуманазар қўлимдан рулни олгач деҳқончилик билан шуғуллана бошлади. Бир йил сувчи бўлдим, кейин сабзавотчилик бригадасига етакчи этиб сайландим. Шунга ҳам йигирма йилдан ошди. Аҳил жамоамиз ҳамиша режаларни муваффақиятли бажармоқда. Бултур 38 гектар майдондан 847 тонна маҳсулот топширдик. 176,7 минг сўм ўрнига 261,5 минг сўм даромад олинди. Ҳар гектар ер 5 минг сўмдан зиёд кирим келтираяпти.**

**Бригадамизда тўлиқ оила пудрати жорий этилган. Хўжалигимизда амалдаги йилдан ижарага ўтилмоқда. Бизнинг шароит аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан яхшироқ таъминлашга кенг имкон беради. Шу йил апрель охири — май бошида мамлакатимизнинг турли шаҳарларига қарийб 5 минг тонна эртаги карам жўнатдик. Жамоамиз бунга 430 тонна ҳисса қўшди. Ҳозир 12 гектарда помидор, бир гектарда ош лавлаги, шунча ерда саримсоқ бор. Съездлар йилида ялпи маҳсулот салмоғини минг тоннага етказамиз.**

**Вилоятимиз коммунистлари мени Ўзбекистон Компартияси XXII съездига делегат этиб сайлашганда жуда ҳаяжонландим. Зеро, бундай ишонч зиммамга катта масъулият юклайди. Ленин партиясига садоқатим йигирма бир йил олдин унинг сафига кираётганда қандай бўлса ҳозир ҳам шундай. Қайта қуриш шароитида ишнинг муваффақияти ана шу ишонч ва эътиқодга боғлиқ. Уларни йўқотмаслигимиз, партия обрўсига соя ташлаган нуқсонлардан қутулишимиз, иқтисодиётдаги хўжасизликни тугатишимиз лозим. Улкан анжуманга шундай ўй-хаёллар билан келдим.**

## ҚАДРИЯТНИ АРДОҚЛАБ

Ҳозир шундай маррада турибмизки, унга етиб келгунча партия ва халқимиз катта йўлни босиб ўтди. Ўтмишимиз, бугунимиз ҳақида турли фикрлар билдирилаётган бир пайтда бу йўл тарихий бўлганлигини ҳам қониқиш, ҳам ифтихор билан таъкидламоқчиман. КПСС мамлакат тараққиётининг ҳамма босқичларида халқ манфаатларини ёқлаб астойдил хизмат қилди ва қилмоқда. Жамият ривожига бошқа раҳнамо куч ҳеч қачон бўлмаган, ҳозир ҳам йўқ. Мутлақ кўпчилик Коммунистик партия йўлини, ҳаракат дастурини қўллаб-қувватлаётганлигининг боиси менимча шунда.

1985 йил апрели совет кишилари турмушининг мазмунини, сиёсий-маънавий ҳолатини тубдан ўзгартириб юборди. КПССнинг жамият ҳаётини, партия ва давлат қурилишини демократиялаш, тўла ошкораликни, фикрлар хилма-хиллигини таъминлаш йўли, сиёсий, иқтисодий ислоҳотлар, маънавиятдаги ўзгаришлар барча кучларни ҳаракатга келтирди. Кўпгина қадриятларимиз —байналмилал дўстлик, қардошлик туйғулари янгича мазмун касб этди.

Айни пайтда партиянинг жамиятдаги ўрни ва роли янгича талқин қилинаётир. Бу масалалар КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига ҳаракат дастури лойиҳасида атрофлича таърифлаб берилди. Коммунистик партия жамиятдаги кучларнинг авангарди бўлиб келди, бундан буён ҳам шундай бўлиб қолади. Бунга шак-шубҳа йўқ.

Қайта қуриш одамлар орасида, ҳатто партия ташкилотларида айрича фикрлар ошкора тилга олинишига имкон яратди. Эътироз ва инкор қилиш кайфияти пайдо бўлди. Лекин турмуш тарзимизда, қардош халқларнинг ягона иттифоқида эришилган ютуқларни кўрмаслик, эътироф этмаслик мумкин эмас.

Областимизни олиб кўринг. Унинг қиёфаси тубдан ўзгарди. Илгари бутун Қашқа воҳасида биргина ярим кустар пахта заводи бор эди. Ўлкада нари борса икки минг тонна пахта етиштириларди. СССР халқларининг қардошларча ёрдами, моддий-техника жиҳатидан кўмаги туфайли бугун у саноати ривожланган вилоятлардан бирига айланди. Эндиликда бу ерда йилига 1 миллиард 250 миллион сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Ноёб суғориш иншоотлари барпо этилиб, чўлларда кўплаб йирик замонавий хўжаликлар ташкил қилинди. Ўнлаб янги манзилгоҳлар — шаҳарлар, посёлкалар, қишлоқлар қад кўтарди. Турмуш маданияти юксалди. Область бўйича олий, ўрта махсус ва умумтаълим мактабларида 450 минг йигит-қиз таълим-тарбия олмоқда. 250 фан доктори ва номзоди, 106 минг юқори малакали мутахассис илм-фан ва меҳнат жабҳаларида фаолият кўрсатаяпти.

Ижтимоий-иқтисодий, маънавий камолотнинг бу жиҳатларини асло инкор қилиб бўлмайди, албатта. Лекин турмушдаги, иқтисодиётдаги қийинчиликлардан ҳам кўз юмиш мумкин эмас. Бир неча йиллар давомида рўй берган хатоликлар ва уларни бартараф этишдаги ноқобиллик катта-катта муаммоларни келтириб чиқарди. Саноатда, қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлиги пасайиб бораётгани барчага аён. Биргина бизнинг областда шу боис жорий йилнинг уч ойида 15 миллион сўмлик кам маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. Тартиб-интизом бўшашиб кетаяпти. Партия, жамоат ташкилотларининг тарбиявий фаолиятида сусткашлик, лоқайдлик ҳамон кучли. Меҳнатни ташкил этишнинг илғор усуллари жадал жорий этилмаётир.

Қайта қуриш режаларини оғизда маъқуллаб, амалда уни рўёбга чиқариш жараёнига ҳар хил тўғаноқлар қўяётган шахсларнинг хатти-ҳаракатига рўй-рост баҳо беришимиз керак. Коммунист ҳамма ишда ўрнак бўлмас, одамларни ўзига эргаштириб, инқилобий янгиланиш муваффақияти учун курашда изчиллик кўрсатмас экан, ҳозирги мураккаб шароитда партиянинг сиёсий авангардлик ролини кучайтириш қийин. Туҳматчиларга, Коммунистик партия шаъни ва обрўсига путур етказувчиларга, иккиюзламачи, порахўр, расмиятчиларга муросасизликкина аҳволни соғломлаштириш, қайта қуриш муқаррарлигини таъминлаш асоси бўла олади.

Партиямиз иш услубларини такомиллаштириши керак. Янгича шароитда мутлақо янги восита ва омилларга таянмоқ лозим. Бунинг учун партия билан давлат вазифаларини ажратишни изчил давом эттириш зарур. Партия органлари буйруқ берувчи-бошқарувчи сифатида эмас, балки ленинча сиёсий раҳбар сифатида иш кўришлари даркор. Вазият Советлар, уларнинг ижроия комитетлари, касаба уюшмалари ва бошқа жамоат ташкилотлари билан муносабатларни ҳам янгича асосларда қайта қуришни тақозо этади. Партия ўзининг бирламчи мавқеига қайтиб, жамиятнинг сиёсий авангард кучи сифатида намоён бўлиши бундан буёнги тараққиёт тақозосидир. Коммунистлар орқали иш олиб бориш, бутун кучни қайта қуришнинг умумий ўзанига буриб юбориш асосий вазифа ҳисобланади.

Съезд арафасида олис-яқин йиллардаги ҳолатлар бот-бот кўз олдимдан ўтмоқда. Маъмурий-буйруқбозлик авж олган кезларда партия ҳаётини марказлаштириш ғоят кучайиб кетди. Натижада асосий қоида — демократик марказчилик принципи бирёқлама тарзда ривожланиб, демократизмга путур етди. Раҳбар органлар гапи гап бўлиб қолди, қуйи ташкилотлар ташаббуси инкор этилди. Шу боисдан партиянинг бунақа иш усулига хуруж кучли. Ҳатто партия анжуманларида унга шубҳа билдириш ҳоллари юз бермоқда. КПССнинг ҳаракат дастури ва янги устави лойиҳаларида бу принцип бўш баён этилган. Демократик марказчилик принципидан воз кечиш партияни қовурғасиз, юмшоқ, иложсиз бир уюшмага айлантириб қўяди. Биз уни асосий дастурларда қоида тариқасида сақлаб қолишимиз шарт. КПСС устави лойиҳасидаги партия аъзолигига номзодлик муддатини бекор қилиш, ўз хоҳишига кўра партиядан чиқиш ҳақидаги қайдларни олиб ташлаш лозим. Коммунистларнинг бурч ва вазифалари ҳам аниқ таърифланиши зарур. Бу биргина менинг таклифим эмас. Узоқ йиллар партия сафида бўлиб, бой ҳаётий тажриба орттирган кекса коммунистларнинг ҳаммаси шундай фикрда. Биз йиллар оша, оғир курашлар оқибатида тўплаган партиявий қадриятларимизни ардоқлашимиз керак.

**С. УСМОНОВ,**
**уруш ва меҳнат ветеранлари Қашқадарё область кенгаши раиси, Ўзбекистон Компартияси XXII съезди делегати.**

## ИЧКИ ИМКОНИЯТ ҲИСОБИГА

Наманган гўшт комбинати жумҳуриятимиз озиқ-овқат саноатининг илғор корхоналаридан бири саналади. Аҳил коллектив тармоқ ходимлари ўртасидаги социалистик мусобақада пешқадамлик қилиб, Бутуниттифоқ ва республика кўчма Қизил байроқларига сазовор бўлмоқда. Бу ютуқларда ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллаштириш, меҳнатни ташкил этиш ва моддий рағбатлантиришнинг пудрат ҳамда ижара сингари илғор усулларини жорий қилиш, ички имкониятлардан оқилона фойдаланиш туфайли эришилаяпти. Кейинги пайтда иккинчи тоифага мансуб хом ашёдан етти-саккиз хил маҳсулот тайёрлаш йўлга қўйилди. Шунинг ҳисобидан эл дастурхонига йилига қўшимча равишда 400 минг сўмлик нознеъмат етказиб бериш имконияти яратилди.

Корхона ишчи-хизматчилари, инженер-техник ходимлари ўн иккинчи беш йилликнинг якунловчи йилида қувончли ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Ўтган даврда 9 миллион 850 минг сўмлик маҳсулот тайёрланиб, беш ойлик топшириқ 500 минг сўмга ошириб адо этилди. Қадоқланган гўшт, колбаса, ярим тайёр масалліқлар етказиб бериш планлари 103—106 фоизга бажарилди. Шу даврда 1 миллион 292 минг сўм фойда кўрилди. Бу режалаштирилганидан қарийб 300 минг сўмлик кўпдир. Қўшимча фойданинг асосий қисми иккинчи тоифа хом ашёдан маҳсулот тайёрлаш ҳисобига олинаётганлигини таъкидлаш зарур.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, иқтисодий кўрсаткичларни яхшилаш учун комбинат цехлари, бригадалари ва бошқа бўлинмалари ўртасида социалистик мусобақа йўлга қўйилган. Ҳар кварталда унинг якунлари чиқарилиб, ғолиблар моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантирилиб келинаётир. Биринчи ўринни олган коллектив кўчма Қизил байроқ ва беш юз сўм пул мукофоти билан тақдирланади. Меҳнат беллашувининг энг сўнгги якунлари бўйича колбаса цехининг Тоҳир Каримов раҳбарлигидаги бригадаси биринчи, мол сўйиш цехининг Иброҳим Қорабоев етакчилигидаги коллективи иккинчи ўринни эгаллади.

— Корхонамизда ишлаб чиқариш илғорлари ҳақида гап борганида иккинчи ва учинчи даража Меҳнат шуҳрати орденлари нишондори Исматулла Неъматуллаев, Маҳмуд Яминов, Мамасодиқ Иброҳимов, Ҳомитхон Эргашевларнинг номлари биринчилар қаторида тилга олинади, — дейди комбинат план-иқтисод бўлими бошлиғи Каримжон Дадахонов. — Улар ҳар бир юмушни кўнгилдагидек адо этиб, ҳамкасбларига намуна бўлмоқдалар. Коллективимиз шу йилнинг олти ойида планга қўшимча равишда 550 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш учун ички имкониятларни ишга солаяпти.

**С. АЛИЕВ,**
**У. МУҲАМЕДОВ.**

Делегат фикри



Абдураҳмон ОҚИЛБОЕВ,
Мирзачўл районидаги Абай номли совхоз директори, жумҳуриятда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими

**Совхозимиз Жиззах даштида жойлашган. Хўжаликда узоқ йиллардан бери ишлаб келаётганлигим учун маҳаллий шароитни яхши биламан. Аввалига бўлим бошқарувчиси, кейин бош агроном бўлдим. Олти йилдан буён директорлик қилаяпман. Ана шу кўп йиллик тажрибадан маълумки, даштда яшаш ҳам, ишлаш ҳам осон эмас.**

**Чўлқуварларимиз ҳалол меҳнат эвазига зиммадаги топшириқларни муваффақиятли уддаламоқдалар. Бултур асосий кўрсаткичлар бўйича режалар ошириб бажарилди. Мўлжалдагидан зиёд пахта етказиб берилди. Шунингдек, чорвачилик, полиз маҳсулотлари тайёрлашда ҳам яхши натижалар қўлга киритилди. Совхозимиз меҳнат аҳли съездлар йилида ҳам астойдил тер тўкмоқда. Жами 3987 гектар ерда деҳқончилик қилинаётган бўлса, шундан 2700 гектарида ғўза экилган.**

**Саккиз-ўн йил илгари хўжалигимизда асосан пахтачиликка зўр берилар, ҳамма нарса шунга қараб баҳоланарди. Ҳадеб чигит экилавериши шусиз ҳам мелиоратив аҳволи оғир майдонларни баттар ёмонлаштирди. Дренаж ва коллектор қувурлари ишдан чиқиб, тупроқнинг шўрланиши кучайди. Лекин кейинги йилларда бу борада бирмунча ижобий ўзгаришлар қилинди. Айниқса пахта яккаҳокимлигига барҳам берилгани бошқа соҳаларни — чорвачилик, дончилик, полизчилик ва ҳоказоларни жадал ривожлантиришга имкон яратди. Илмий жиҳатдан асосланган алмашлаб экиш таомилга киритилди.**

**Қўриқ муаммолари кўп. Сув тақчиллиги масаласи бизни ҳар йили қийнайди. Ёки чўлқуварлар турмуш шароитини яхшилаш, меҳнат ва дам олиш шароитини яратиб бериш долзарблигича турибди. Пухта лойиҳалаштирилмагани туфайли одамлар кўча ҳуснини бузиб, ўзлари учун керакли қўшимча бинолар қуриб олишган. Четдан чиройли кўринувчи қўш қаватли уйлар ҳам серфарзанд халқимиз учун ўйлаб тикланмаган. Уларда шароит йўқ. Баъзи хонадонлар ҳануз газлаштирилмаган, ичимли сув таъминоти чатоқ.**

**Яқинда яна бир муаммо қўшилди. Марказий қўрғонимиз Гагарин шаҳрига қўшилиб кетган. Шу боис чиқинди ва ахлатларни тозалашда сансалорлик бўлмоқда. Натижада экологик ифлосланиш келиб чиқаяпти.**

**Ўзбекистон Компартияси раҳбарияти кейинги пайтларда халқимиз манфаатларини кўзлаб талай ишлар қилди. Менимча, бу ғамхўрлик кенг қамровда чуқурлаштириб борилса одамларнинг партиямизга ишончи ортади.**



Иброҳим МАМЕДОВ,
Ўрта Осиё темир йўли «Самарқанд» станцияси вагон депоси техник хизмат кўрсатиш пунктининг катта кузатувчиси

**Ҳар бир касбнинг ўзига хос қийинчиликлари ва мароқли жиҳатлари бўлади. Эсимни танибоқ шу ишни танлаганман. Соҳада ишлаётганимга қирқ йилдан ошди. Ўйлаб қарасам, шунча йил бир жойда, битта жамоада тер тўкиш осон эмас. Аввалига чилангар, сўнгра депонинг техник хизмат кўрсатиш пунктида вагонларнинг катта кузатувчиси бўлдим.**

**Касбини севган киши ўз ишини чуқур ўрганиб олади, топшириқни пишиқ-пухта бажаради. Бизда ҳам шундай. Бир қарашда юмушимиз кўзга кўринмасдек. Лекин вагонлар халқ хўжалиги юкларини, пассажирларни белгиланган манзилларга элтаётган экан, бунда бизга ўхшаганларнинг ҳам ҳиссаси бор.**

**Жамоамиз аҳил, баҳамжиҳат, унга ишга моҳир, серғайрат кишилар бирлашган. Меҳнатни ташкил этишда илғор тажрибани, янгиликларни қўлланаяпмиз. Вагонларга жадал усул билан хизмат кўрсатилмоқда. Натижада улар қисқа муддат ичида ишга шай қилинаяпти.**

**Ишимизда муаммолар оз эмас. Ҳар йили ёзда мева-чева юборишда сарсонгарчилик бўлади. Баъзан улар ўз вақтида жўнатилмайди, гоҳо эса вагонлар етишмайди. Станцияларда кечаю кундуз навбат кутишларни кўриб жонингиз ачийди. Ахир, қанчадан-қанча маҳсулот нобуд бўлиб, деҳқон меҳнати беҳуда кетади. Шундай кезларда соҳамизда иш яхши ташкил этилмаётганидан биз ҳам ўзимизни айбдор сезамиз.**

**Бугунги ҳар бир кун коммунист учун масъулиятли, долзарб ҳисобланади. Жамиятни қайта қуришни, ошкоралик ва демократияни бошлаб берган Коммунистик партия сиёсий йўлини, ички ҳамда ташқи турмушини тубдан янгиламоқда. Бу муҳим жараёнда унга ҳар хил тош отишлар, обрўсини туширишга, бирлигига путур етказишга уринишлар бўлаяпти. Ўзини Ленин ғояларига, васиятларига содиқ деб билган ҳар бир КПСС аъзоси бундай пайтда сафларга маҳкамроқ жипслашиб, уюшқоқлик ва авангардлик кўрсатиши лозим. Мен раҳбарлик қилаётган смена партия гуруҳи коммунистлари шунга интилмоқдалар. Ўзбекистон Компартияси XXII съездида бу борада янги йўл-йўриқлар ишлаб чиқилади деб ўйлайман.**

## УМИДВОРЛИК

Мураккаб даврда яшаяпмиз. Ҳар соҳада бошдан-оёқ муаммо. Хўш, бундан беш йил аввал камчиликларимиз йўқмиди? Нега шунча йил сукут сақлаб келдик? Бир қарашдан бу саволлар жавоби аёндай. Турғунлик йиллари эркин фикр, ошкора танқид бўғилди. Қайта қуриш шарофати билан ҳар ким дилидаги орзуларини тилига чиқараяпти. Турли минбарлардан янграётган ҳур фикр келажакка бўлган ишончимизни мустаҳкамлаяпти. Бу — партия ошкоралик сиёсатининг дастлабки самаралари. Аммо афсуски, ҳолва деган билан оғиз чучимайди. Танқид кучайган сари камчиликлар ҳам ортиб бораяпти. Нега шундай?

Мен сиёсатчи эмасман. Қишлоқ ҳунар-техника билим юртида ўқиб, механизаторлик касбини эгалладим. Ўн йил ўзим туғилиб ўсган «Қизил Октябрь» колхозида тракторчи бўлиб ишладим, 1982 йилдан хўжалигимиздан ажралиб чиқиб, чўл бағрида ташкил топган «СССР 60 йиллиги» совхозида пахтачилик бригадасига етакчилик қилаяпман.

Шу йил бошида ҳаётимда ўчмас из қолдирган воқеа бўлди. Юртдошларим менга катта ишонч билдиришиб, Ўзбекистон ССР Олий Советига депутат этиб сайлашди. Сайловолди учрашувлари муносабати билан районимиздаги талай қишлоқларда кўплаб оддий одамлар билан ҳамсуҳбат бўлдим. Шуни чуқур англаб етдимки, кейинги йилларда меҳнаткаш талабини амалга ошириш уёқда турсин, ҳатто унинг дардини тинглайдиган, ҳеч бўлмаса ширин сўзи билан кўнглини кўтарадиган раҳбарларимиз ҳам камайиб кетган экан. Пахта дедик, пилла дедик, гўшт дедик, аммо одамларни ёддан чиқардик.

Мен етакчилик қилаётган бригада қўриқда жойлашгани учун ер мўл. Оилавий пудрат асосида ишлаётган деҳқонларимиз ойлик маоши 300 сўмдан кам бўлмаяпти. Мавжуд 74 гектар майдоннинг 4 гектарини томорқа учун ажратиб бердик. Улар турмушларидан нолишаётгани йўқ. Бироқ ҳамма жойда ҳам шундай эмас. Қишлоқларимиз аҳволи хароб. Мактаб ва мактабгача болалар муассасалари етишмайди. Борлари ҳам талаб даражасида эмас.

Узоққа бормай, ўзим яшайдиган Ҳазора қишлоғини олайлик. Авваллари ичимлик суви қудуқлардан олинарди. Турли заҳарли дорилар ишлатилавериши оқибатида ер ости сувини ҳам истеъмол қилиб бўлмай қолди. Замонавий иншоотлар эса қурилмаган. Сув уч-тўрт чақирим олисдан ташиб келтирилади. Кимнинг хонадонида қандай идиш бўлса ҳаммаси тўлдирилади. Чунки яна келтиришларини уч-тўрт кун кутиш керак. Ёз кезлари туриб қолган сувни истеъмол қилишга мажбурмиз. Натижада турли хасталикларга чалинганлар йилдан-йилга кўпайиб бораяпти.

Қишлоғимизнинг шундай ёнгинасидан мамлакатимиз Европа қисмига катта сиғимли газ қувури ўтказилган. Ўзимиз эса белбоққа ёлчимаган бўзчидек ўтин ёқаяпмиз. Қиш кезлари кўмир етишмайди.

Шу ўринда ўзим иштирок этган ва менда жуда катта таассурот қолдирган Ўзбекистон ССР халқ депутатларининг биринчи сессияси ҳақида фикр-мулоҳазаларимни айтиб ўтмоқчиман. Жумҳурият Вазирлар Кенгашининг раиси Ш. Мирсаидовнинг олий анжуман минбаридан туриб, беш йил ичида республикани ичимлик суви ва газ билан таъминлаш тўғрисида айтган гаплари барчамизни тўлқинлантириб юборди. Тўғри, ушбу дадил тадбирнинг амалга оширилишига шубҳа билан қараётганлар ҳам йўқ эмас. Лекин қуруқ гап, собиқ раҳбарларни танқид қилишдан нарига ўтилмайдиган йиғинлардан зериккан халқ ҳукуматимиз дастлабки амалий ҳаракатини олқиш билан қарши олди.

Афсуски, район, область миқёсидаги йиғинлар ҳамон эскича андозада ўтмоқда. Маърузачилар, нотиқларнинг чиқишлари уларнинг амалий ишлари билан боғланмаяпти.

Республикамиз меҳнаткашлари эртага иш бошлайдиган Ўзбекистон Компартияси XXII съездини катта умид ва илинж билан кутишмоқда. Ўйлаймизки, ушбу анжуман баландпарвоз шиорлардан холи, амалий руҳда ўтади. Беш йил мобайнида қатағон йиллари ҳамда турғунлик йиллари танқидини эшитавериб зерикдик. Энди партия халқ билан очиқчасига гаплашиб олиб, дадил амалий қадамлар қўйиши керак.

**Н. ЭШОНҚУЛОВ,**
**Навоий районидаги «СССР 60 йиллиги» совхозининг бригада бошлиғи, Ўзбекистон ССР халқ депутати.**

## Ишончимиз катта

«Янгиер» совхози иссиқхонасини кўп вақт ҳеч ким ижарага олмади. У хўжаликка йил сайин кўпроқ зарар келтирар, аҳволдан яхши хабардор кишилар бундай қийин ишга қўл уришни хаёлларига ҳам келтиришмасди. Оиламиз шу масъулиятли юмушни зиммага олди. Асли андижонликмиз, у ёқда пиёз етиштирар, меҳнат ҳақим билан хотиним ва етти фарзандимни боқардим. Укам Рустам чўлда яшаб ишлаётганди. Меҳнатободга келгач, бир гектарлик иссиқхонани у билан биргаликда кўздан кечирдик. Совутгичларнинг бир қисми ўрнатилмаган бўлиб, баҳорда экинларни иссиқдан сақлашнинг иложи йўқ эди. Иситиш қозони тешилган, баъзи қувурлар яроқсиз. Хўжасизлик шундоқ кўриниб турарди, чунки агар у ўз эгаси қўлига тушганида ҳамма нарса жой-жойига қўйиларди. Қанча-қанча харажат, меҳнат эвазига барпо этилган бино қаровсиз эди. Бу ҳақда ҳеч ким қайғурмасди ҳам.

Иссиқхонани ана шу ҳолатда қабул қилдик. Астойдил меҳнат қилинса, яхши самара олиш мумкин, албатта. Зеро, қиш кунларида помидор, бодринг, гулларни, кўкатларни харидорнинг ўзи излаб юради. Хўжалик билан тузган шартномага кўра бу йил 67 минг сўмлик маҳсулот сотишимиз керак.

Совхоз раҳбарлари ҳаракатимизни кўриб, қўл қовуштириб туришгани йўқ. Қозонни таъмирлаш учун 130 минг сўм ажратишди, бошқа камчиликларни тузатишда ҳам ёрдам беришмоқчи.

Ҳозирча иссиқхонадан фойдаланмаяпмиз, уни қайта таъмирлаб, жиҳозлаяпмиз. У эски лойиҳа асосида қурилган, устидаги рамалар жуда катта. Томни ёпишда дашт шароити ҳисобга олинмаганки, чўлнинг кучли шамоли ойнани синдириши, экинга зарар етказиши мумкин. Шунинг учун устини қайтадан ёпмоқчимиз, хўжалик 15 куб метр тахта ва ойна бермоқчи. Бу ишни бемалол бажарамиз, чунки ўн бир ишчи кучимиз, ёрдамчи— болаларимиз бор.

Айни кезларда бутун оиламиз билан далада — 12 гектар шўр тупроқли майдонда ишлаяпмиз. Лавлаги, ошқовоқ, помидор, бодринг ўстирмоқдамиз. Қўриқ кўп меҳнат талаб этади. Бусиз ҳеч нарсага эришиб бўлмайди.

Мамлакат учун жуда қийин бўлган ҳозирги вазиятда жумҳуриятимизда етилган муаммоларни ҳал қилишга жиддий эътибор берилмоқда. Одамларга томорқа ва уй қуриш учун жой ажратиш, эскиларини кенгайтириш, ижара, оила пудрати деҳқонлар кайфиятини кўтарди, келгусида ер ҳақиқий эгасига топширилишига умид ва ишонч уйғотди. Демакки, халқимиз қорни оч, усти юпун бўлмайди. Узоқ йиллар ҳукм сурган буйруқбозлик, зўравонлик билан ишлатиш ва бошқа иллатлардан қутулаяпмиз. Эндиликда дадил олға қадам ташлаш лозим. Бу борада раҳбарнинг, йўл-йўриқчининг қўллаб-қувватлаши, кўмаги зарур.

Ушбу ҳаётий масалалар Ўзбекистон Компартияси XXII съездида кўриб чиқилади, деб ўйлайман. Уларнинг кўпчилиги билан деярли ҳар куни тўқнашмоқдамизки, шу боисдан тезроқ ҳал этиш керак. Чунончи, колхоз-совхоз ишлаб чиқаришида ижарани жорий қилиш бўйича талай муаммолар мавжуд. Хуллас, барча ижарачилар қаторида оиламизнинг ҳам жумҳурият коммунистлари анжуманидан умиди катта.

**У. ТОЖИБОЕВ,**
**ижарачи.**

